



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 22 октябрь, № 225 (8568)

Якшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни жонажон юртимизда кенг нишонланаётган кутлуг айём — Ўзбек тили байрами кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, азалий кадрларимиз гултожи бўлган она тилимиз асрлар синонидан безавол ўтиб келаётган буюк ва бебаҳо маънавий бойлигимиздир.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласини биз миллий ўзгичлигини англаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёрғун келажагимизни таъминлашнинг энг муҳим омилли, деб биламиз. Шу эзгу мақсад йўлидаги амалий ҳаракатларимиз тўғрисида жамиятимиз ҳаётида давлат тилининг қўлланаси доираси тобора кенгайиб, у халқ дилининг чинакам кўзгусига айланмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тили нуфузли халқроқ анжуманлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилати минбаридан мунтазам янграб келаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлаш билан бирга, дунёда она тилимизни ўрганишга интилаётган инсонлар сафини ҳам тобора кенгайтирмоқда.

Ҳурматли юртодошлар! Бугунги қувончли айёмда жаҳондаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилининг обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида сўз юритиб, келгусидаги муҳим вазифаларимизни белгилаб олишимиз табиғийдир.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилиб, барча соҳаларда давлат тилида иш юритиш сифатини яхшилаш, хусусан, ахборот-коммуникация йўналишида уни фаол қўллаш борасида ижобий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, ҳар қандай тилни ўрганиш ва ривожлантиришда, биринчи навбатда, унинг назарий-методик асослари катта ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, “Алишер Навоий қомуси”, “Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Фалсафа” қомусий лугати, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Исломо энциклопедияси”, “Маънавият: асосий тушунчалар лугати”, “Педагогика: энциклопедия”, “Тарих атамалари лугати”, “Адабиётшунослик лугати”, “Юридик атамалар лугати” каби 40 дан зиёд фундаментал китоблар нашр этилгани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Шулар қаторида ўзбек тилининг электрон миллий корпуси ва дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш, ўзбек тилини интернет тармоғида оммалаштириш ва муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, давлат тилини ўргатишга ҳамда матн таҳририга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича ҳам жиддий ишлар олиб борилаётганини қайд этиш зарур.

Мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳажми ҳамда илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда жами 33 та олийгоҳда ушбу мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Олий таълим муассасаларида 7 миң нафардан зиёд фан номзодлари ва докторлари, профессор-ўқитувчилар ўзбек тили ва адабиётини дарс бермоқда.

Агар 1992 — 2012 йилларда, яъни 20 йил мобайнида бу ихтисослик бўйича 730 та илмий иш ҳимоя қилинган бўлса, сўнгги 10 йилда бу рақам 792 тани ташкил этди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўргатиш ва малака ошириш марказида вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўзбек адабий тили меъ-

ёрлари ва имло қоидалари бўйича мунтазам ўқитилмоқда.

Университетда ташкил этилган “Ўзбек мактаби”да эса юзлаб хорижлик фуқаролар она тилимиз ва миллий маданиятимиз асосларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Бу борада кейинги йилларда нашр этилган ўзбекча-хитойча, ўзбекча-инглизча, ўзбекча-французча, ўзбекча-немишча, ўзбекча-арабча, ўзбекча-форсча лугат ва сўзлашгичлар муҳим роль уйнамоқда.

Лотин графикаси асосидаги алифбозимизни такомиллаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Ушбу масала юзасидан халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан билдирилган барча таклиф ва тавсиялар жиддий ўрганилиб, муҳокамадан ўтгандан сўнг тегишли қонун лойиҳасини яна бир бор кўриб чиқиш, парламентга киритиш мақсадида мувофиқдир.

Азиз дўстлар!

Биз давлат тили тараққиётини жаҳондаги етакчи хорижий тиллар ва мамлакатимиздаги турли миллият вакилларининг тили ва маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўраемиз.

Бугунги кунда юртимизда таълим 7 тилда олиб борилмоқда. Республикаимиздаги мавжуд 1453 та оммавий ахборот воситаси ҳамда юзлаб веб-сайтлар орқали қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, қорейс, турк, араб, инглиз, немиш ва бошқа тилларда ҳам материаллар эълон қилинмоқда.

Биз Ўзбекистонни тенглик, дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантириш мақсадида турли миллатга мансуб фуқароларимизнинг тил соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттираемиз.

Мухтарам юртодошлар!

Ўтган аср бошларида маърифатпарвар жадид болларимиз “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя асосида майдонга чиқиб, халқимизни мустамлака

зулмидан халос қилиш, уни замонавий илм-фан, касб-хунар ва маданиятга ошно этиш бўйича улкан ишларни амалга оширган эдилар.

Ана шундай муштарак мақсадлар, умуммиллий бирлик ва аҳиллик бугун биз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги ўта кескин ва таҳликали замонда фақатгина шу асосда ўз миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қилишга, жумладан, она тилимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, уни илм-фан, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, ахборот-коммуникация, дипломатия ва бошқа муҳим йўналишларда таъсирчан мулоқот воситасига айлантириб, тараққиёт суръатларига уйғун ҳолда ривожлантиришга, халқроқ нуфузини муносиб даражага кўтаришга эриша оламиз.

Бинобарин, улуг шоиришимиз Эркин Воҳидов айтганидек, “**Она тили — умуммиллат мулки. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий бўлиб, бу ёлғиз тилшуносларнинг эмас, бутун миллиятнинг иши**” эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, бу йўлда сидқидилдан хизмат қилаётган, ўзбек тилининг ҳақиқий фидойиси ва дўсти бўлган барча заҳматқаш ва жонқуяр инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни 21 октябрь — Ўзбек тили байрами билан яна бир бор самимий кутлаб, барчангизга мустақам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Мана шундай буюк маънавий бойлиқни яратган халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Шуқуҳ

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГУСИ

Ҳар йили мамлакатимизда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунин сифатида кенг нишонланади. Боиси ушбу байрам миллийлигимиз, ўзгичлигимиз, янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг маънавий қиёфаси сифатида ҳаётимиздан чуқур ўрин олган айём ҳисобланади.



Эрта тонгдан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони юртодошларимиз, турли ташкилотлар ва фуқаролик жамия-

ти институтлари вакиллари, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда она тилимизнинг жаҳон миқёсида улуғлаш-

га катта ҳисса қўшган зот, улуг шoir Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мазкур тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ва

Конунчилик палатаси, вазирлик ҳамда идораларнинг вакиллари қатнашди.



ЁРҚИН КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбек тили байрами муносабати билан Қорақалпоқ давлат университетидега «Тил — миллат таянчи» мавзусида адабий-баддий анжуман ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Кенгесбой Реймов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири Назира Матякубова сўзга чиқиб, мамлакатимизда ўзбек тилини асраб-авайлаш, дунё миқёсида

тарғиб этиш борасидаги олиб борилаётган эзгу ишлар хусусида атрофлича фикр юритишди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлат тилига бўлган эътибор янада ортди. Ўзбек тили ривожини учун масъул бўлган янги тузилмалар ташкил этилди.



ҚАЛБЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ВОСИТА

Куни кеча Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ўзбек тилимиз фидойилари бўлиши жамиятнинг етакчи вакиллари билан янада файзга тўлди.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунин муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда дастлаб сўз мулкчининг сўлтони Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Унда сўз олган вилоят ҳокими ўзбек тили ўзининг кенг имкониятларини халқроқ муносабатларда, энг мураккаб фан соҳаларида тўлиқ намоён қилаётганини таъкидлади. Бугунги кунда давлат

аҳамиятига молик йирик учрашувларда, халқроқ анжуманларда, нуфузли спорт мусобақаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасаларда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилаётгани она тилимиз юксалган мақомининг амалдаги ифодасидир.

— Дунёда юзлаб миллат ва элатлар мавжуд, — дей-

ди республика Маънавият ва маърифат маркази Қўрғонтепа тумани бўлинимаси раҳбари Гулбахор Қосимова. — Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўз тилига эга эмас. Айрим тилларнинг эса “ўлик тил” сифатида муомаладан чиқиб кетиш хавфи мавжуд. Ўз тили бўла туриб, давлат тили сифатида ўзга тилни тан олаётган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун, Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили мақомини олган. 2019 йил 21 октябрь кунин қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони эса мамлакатимизда она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг нуфузини янада оширишга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Тадбир давомида ўзбек тилини мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради. Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Фаҳр

«ФАРЗАНДИМГА АЛЛАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА АЙТАМАН»

Олис Япониянинг Асахиқова шаҳрида туғилиб ўсганман. Ота-онанинг ёлғиз қизиман. Кунчиқар юрт фарзанди бўлсам-да, бахтимни Ўзбекистонда топдим. Тақдир йўлларим ўзбек йигити тилан боғлиниб, Хоразм вилоятининг Кўшкўлир туманидаги энг чеқка Фазовот қишлоғига келин бўлиб тушдим.

Ўқувчиға тушунарли бўлиши учун муҳаббатимиз тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Фазовотлик Нурбек Рўзметов Тошкент шаҳрида ишлаб юрган даврида кутилмаганда содир бўлган ёнғин тўғрисида оғир жароҳатланган. Уни пойтахтдаги шифохонага элдик билан олиб келишларди. Беморға шифокорлар биринчи ёрдамни кўрсатиб, жонлантириш бўлимига ётқизишди.

Мен ўша пайтда Япониядан келиб, ушбу шифохонада малака ошираётган эдим. Танасининг кўп қисми қуйган Нурбек ҳеч қандай кўришни, гаплашишни истамасди. Уни ҳаётга қайтариш, руҳан далда бериш учун меҳримни аямасдим. Шу тариқа бир-биримизга кўнгли қўйдик. Биз ота-оналаримиз розилиги билан турмуш қурдик. Шўқриқ, бугун бахтли оилаларданмиз, тинч-тотув яшаяпмиз.



АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ БЎЛГАН БЕЗАВОЛ ЎТИБ КЕЛАЁТГАН БУЮК ВА БЕБАҲО

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГУСИ

Шу куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 34 йиллигига бағишланган тантанали концерт дастури ҳам бўлиб ўтди.

Дастлаб тадбир қатнашчилари мухташам бино фойсесидида ташкил этилган она тилимиз-

гини Президент маслаҳатчиси — спичрайтер Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг давлат мадҳияси янгради.

Қайд этиш жоизки, она тили инсон қалбига, аввало, она алласи билан қиради, шу орқали инсон тилига меҳр-муҳаббат кўяди, ўсиб-улғайиб, камол топади. Шу маънода, тадбир ав-

бор мутлақо янги босқичга чиқди. Она тилимизнинг нуфузли халқаро тузилма — БМТ минбаридан янграши ўзбек тилининг дунё миқёсидаги обрўси ҳамда мавқеи тобора юксалишида муҳим омил бўлди, десак, муболаға эмас.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан



Хуссан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



нинг нуфузини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларни намойиш этувчи кўргазма билан танишдилар.

Президентимизнинг 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табри-

валида куйланган алла даврага ўзгача руҳ бағишлади.

Анжуман давомида она тилимизни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар жаранг сочди, шеърлар ўқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда она тилимизга эъти-

она тилимиз ривожига доир миллий қонунчилигимиз янада такомиллашди. Тилимиз ривожини йўлида масъул бўлган янги тузилмалар ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси она тили таркибо-

Тадбирда, шунингдек, “Ўзбек тили жилолари” номли видеоларва орқали она тилимиз ривожини йўлида меҳнат қилган устоз ёзувчи ва шоирлар, санъат даргаларининг ижодидан намуналар акс эттирилди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўзбек тилининг ўз ҳаёти ҳамда тақдирининг аҳамияти хусусида сўзлади. Улкан монитор орқали турли мамлакатларда ўзбек тилини тадқиқ этаётган олимлар, тилшунос мутахассислар она тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтирอมли муносабатини онлайн тарзда билдирди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ЁРҚИН КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

Тилимиз тарғиботида оид нашрлар, лугатларни чоп этиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Шунингдек, тадбирда университет талабалари ўзбек тилининг дунё миқёсидаги мавқеи янада ошаётганлиги ҳақида ўз фикрларини билдирди. Хусусан, жаҳон минбарларида баралла янграётган она тилимизни асрашимиз, унинг тарққиёти учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз лозимлиги таъкидланди. Машҳур шоирлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад

Юсуфнинг шеър ва достонларидан намуналар ўқилди.

Талабалар анжуманида иштирок этган устоз журналист ва ёзувчилар билан қизгин мулоқотда ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар олди.

Айни кунларда Оролбўйининг барча шаҳар ва туманларида ҳамда Нукус шаҳридаги бошқа олий ўқув юртиларида ҳам Ўзбек тили байрами кунига бағишланган учрашувлар ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ғайрат ОТАХОНОВ («Халқ сўзи»).

«БУ ТИЛ БИРЛАТО НАЗМ БУНЁДИДУР»

Мен ул менки то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире.

— дея ўз она тили билан фахрланган ҳазрат Алишер Навоий ўзбек адабий тилини бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшовчи ўзбеклар учун умумхалқ тили даражасига кўтариб, бошқа туркий халқлар тили тарққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Чунки, Навоий ҳаётлигидаёқ унинг асарлари Хуросон ҳамда Мовароуннаҳр чегараларидан ошиб, бошқа узоқ мамлакатларга ҳам етиб боради. Бу ҳолат, табиийки, у ерлардаги туркий халқлар тили бойлиги ва мавқеи, унинг ифода қудратига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

— Ҳазрат Навоий жуда муҳим ва мураккаб икки вазифани ўз олдига қўяди, — дейди навоийшунос олим Тоҳир Хўжаев. — Биринчиси, туркий, яъни ўзбек адабий тилини юксак даражада ривожлантириш ва такомиллаштириш, гўзал адабиёт яратиш ва ундан ўз халқини баҳраманд қилиш. Иккинчиси эса ўзбек адабий тилини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун олиб борган курашидир.

Бугун она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 34 йиллик шодийнаси мутафаккир шоир номи билан аталувчи вилоятда ҳам кенг кўламада нишонланди. Меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, ахборот-кутубхона марказларида адабий-бадий кечалар, илмий конференциялар ўтказилиб, мушоиралар ташкил этилди.

Байрамнинг асосий тадбирлари вилоят ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, ташкилот, корхона ва муассасалар ходимлари, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси фойдৌлилари, талабалар, ўқувчи-ёшларнинг вилоят марказидаги истироҳат боғида қад ростлаган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиши билан бошланди.

Тадбирда юртимизда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаёти ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш наинки идоралар, балки ҳар бир юртошимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманнинг бадий қисми вилоят Маънавият ва маърифат марказида давом этди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Сўз — тадбир қатнашчиларига

МЕНИНГ ОНАЖОН ТИЛИМ

Муқаддасхон ХЎЖАЕВА, Тошкент Молия институти талабаси:

— Инсоннинг илми, ақл фаросати ва маданиятини унинг сўҳбатидан билиш мумкин. Тил билиш ҳам ана шу маданиятнинг, инсон маънавиятининг бир бўлагидир.

Ўзга миллат тилини билиш инсоннинг шу миллатга бўлган ҳурматини, меҳру мурувватини англайди. Миллатни менсимган одам, унинг тилига ҳам бефарқ бўлади. Инсон қанча кўп тил билса, шунча маданиятли, умрбоқий киши бўлиб етишади. Зеро, бир тилни билган бир умр, уч тилни билган уч умр яшайди, деб бежиз айтилмаган. Шу маънода, биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки бу масалада ҳамisha бағрикенг бўлганмиз. Бироқ бу очикқўнғиллик бизга жуда қимматга тушган. Оқибатда ўз она тилимиздан жудо бўлишимизга бир баҳя қолди.

Очикқўнғил бўлишнинг нимаси ёмон, шунга ҳам шунча ваҳимамиз, дейишимиз, табиий. Айтайлик, ўзга миллат вакилларига муносабат қилганимизда гапни, аввало, ўзбекча

салом-алиқдан бошлаганимизда эди, шунча йиллар давомида ҳар қандай одамни ўзбек тилида мулоқот қилишга ўргатиб юборган бўлар эдик. Рост-да, биз ўз қадримизга ўзимиз етмай бошқа миллат вакилларига рус тилида муносабат қилганимиздан кейин улар жон куйдириб ўзбекча гапиршига ҳаракат қилармиди? Салом қайси тилда бўлса, алик ҳам ўша тилда бўлади-да.

Шоди ОТАМУРОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ходими, шоир:

— 2023 йилда маданий ҳаётимизда катта воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан “Туркий адабиёт дурдоналари” туркумида юз жилдик асарлар чоп этилди. Бу билан ўзбек тили туркий халқлар ичида мулоқот тили бўлиши мумкинлигини амалда исботлади. Минтакамиздаги ён қўшнилари Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа давлатларнинг ижодкорлари ана шу яхши намунани ўзларида тат-

биқ этишлари ҳақида эшитиб хурсанд бўлдик. Насиб қилса, ўзбек тили туркий халқлар доирасида етакчи ўрин эгаллаш орқали дунё тиллари оиласига ҳам кириб боради.

Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари:

— Яқинда Россия Федерациясининг қатор шаҳарларида таҳсил олаётган, ишлаётган ватандошларимиз билан учрашув ўтказдик. Уларнинг қанча эҳтироби билан йўл топиш учун сўҳбатда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг Ўзбекистон ҳақидаги шеърларини ўқишдан бошладик. Шуниси ҳайратланарлики, биз шоирнинг биринчи сатрини ўқиганимизда залдаги ҳамма ватандошлар кейинги сатрни жўр бўлиб айтишди. Демак, тил миллатни биравлаштирадиган восита экан. Олис Россиянинг турли шаҳарларида яшаётган фарзандларимиз Ўзбекистон ҳақидаги шеърларни ёддан билгани ўзбек тили қандай қудратга эга эканини кўрсатди.

ЮРАКЛАРДА КЕТГАН ОҒРИҚ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаганида барчамизнинг кўнглимиз чексиз фаҳрга тўлди. Тарихда илк бор ўзбек тилида нутқ, соф ўзбекча калом жаҳоннинг энг нуфузли, олий минбаридан янграганида, таъбир жоиз бўлса, томирларимизда янги қон югургандай бўлганди. Кўнглилар айраб, қулқўларимиз азон эшитгандай севиндик.

Яқинда бундай саодатли онлар яна такрорланди. Бу баландпарвоз гап эмас. Очигини айтишим керак, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқини мен қалбим тўла ҳаяжон билан тингладим. Яна ўзбекча каломнинг жаранги, ҳарорати, таровати бутун дунёни тутди. Бундай онлар бардавом бўлишига ишонамиз. Чунки бу бизнинг улғ устозларимиз орузи эди, юракларида кетган оғриқлари эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли жамоат арбоби ва адабиётшунос олим Озод Шарофиддинов “Тил илмининг дарғаси” деб улғулаган аллома Аюб Ғуломов, академик Фанжон Абдураҳмонов, профессор Нажмиддин Комилов,

Ҳамид Неъматов каби устозларимиз ва мўътабар ота-онанинг амалга ошмаган бир умрлик армонлари эди! Учинчи Ренессанс — янги уйғониш даври мамлакатимизда айнан она тилимизнинг қадди ва қадри байроғимиз каби юксаликка буй чўзаётгани, дунёдаги жами ўзбеклар ва халқимиз хайрихоҳларининг олий ниятлари рўёбга чиқиши билан бошланади.

Бу — жудаям катта фахр-ифтихор, бебаҳо имконият ва бахт. Менинг ягона тилимиз: ёшларимиз она тилимиз қадрини англасин!

Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори.

2023 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИ УЧУН ҒОЯТ САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Мазкур тадбир немис ишбилармон доиралари ва инвесторларини Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хоризлик тадбиркорлар учун яратилган янги имкониятлар билан яқиндан таништиришда муҳим воқеа бўлди.

Фальк ПОРШЕ, “Deutsche Kabel AG” компанияси раҳбари, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси:

— Бугун Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси томонидан ташкил этилган “Doing Business with/in Uzbekistan” мавзусидаги тадбирда иштирок этишдан жуда мамнунман. Мазкур тадбир икки давлат ўртасидаги иқтисодий шерикликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда. Уйтайманки, 2023 йил Ўзбекистон — Германия муносабатлари учун самарали

бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг май ойида Германияга давлат ташрифи ҳамда сентябрь ойидаги “Марказий Осиё — Германия С5+1” саммитидаги иштироки бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривожланиб бормоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида мазкур тадбирда икки давлат вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. “Deutsche Kabel AG” ва бошқа кўплаб компанияларда Ўзбекистонга янги технологияларни ўтказиш ҳамда юртингиздан Германияга хомаш ётказиб бериш бўйича ҳамкорлик катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур тадбирда иштирок этаётган немис тадбиркорлари икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга тайёр.

Мирко НОВАК, “LUNO” компанияси раиси:

— Бугунги тадбирда немис ишбилармонларининг Ўзбекистонга қизиқиши юқори эканига гувоҳ бўлдим. Кейинги 2-3 йил ичида Ўзбекистон Германия ишбилармон доиралари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мамлакатингизга қизиқиш муттасил ортиб бормоқда, немис инвесторлари Ўзбекистон иқтисодийётига фаол сармоа киритмоқда. Махсулотларингиз эса Германия бозорларига муваффақиятли етказиб берилмоқда.

Мамлакатингиз Савдо-саноат палатаси ва Берлиндаги элчихонаси томонидан қўллаб-қувватланган Гамбургда Ўзбекистон — Германия иқтисодий ассоциациясини ташкил этиш ташаббуси немис тадбиркорлари билан алоқа ўрнатиш ва уларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун ажойиб имкониятдир. Бундай тадбирлар Ўзбекистонда ўз бизнеси-

ни очмоқчи бўлган немис тадбиркорлари учун мустаҳкам замин яратади.

Ангела ПАПЕНБУРГ, “Pqunter Papenburg” компанияси бошқарувчи директори:

— “Doing Business with/in Uzbekistan” мавзусидаги бизнес тадбирида ишчи кучини жалб қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. 2019 йилдан бошлаб биз Ўзбекистон билан ёшларни Германияда касб-хунар таълимига тайёрлаш ва кейинчалик уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Айни пайтда корхонамизда 120 нафар ўзбекистонлик ёшларга касб-хунар таълими йўналиши бўйича таълим берилмоқда ва биринчи гуруҳ ўқувчилари уч йиллик касб-хунар таълимини муваффақиятли тамомлаб, аллақачон ишга киришди.

Ўзбекистонлик ёшлар Германия-



да ўқиши учун В2 даражасидаги тил сертификатларини олиши керак. Шу боис Андижон шаҳридаги “Berlin-Zentrum” ўқув маркази билан кўп йиллардан бун ҳамкорлик қилиб келаёмиз ва техник мактаблар билан шерикликни янада кен-

гайтиришни режалаштиряпмиз. Ўқувчиларни Германияда дуал касб-хунар таълимига тайёрлаш учун техник мактабларда ўқув марказларини очиб ниятидамиз.

«Дунё» АА. Берлин

ОНА ТИЛИМИЗ АСРЛАР СИНОВИДАН МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗДИР

«ФАРЗАНДИМГА АЛЛАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА АЙТАМАН»

Аста-секин ўзбек тилини ўргана бошладим. Бугун ўзбек адабий тилида ҳам, Хоразм шеvasида ҳам бемалол сўзлаша оламан.



21 октябрь — Ўзбекистонда ўзбек тили байрами кунини нишонлади. Бу ўзбек халқининг она тилига бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Ишонманки, мен учун иккинчи она тили бўлган ўзбек тили бундан кейин ҳам миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашда муҳим ролни ўйнайди.

Микао СУГАВАРА, гид-таржимон.

АНҚАРАДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонасида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

«Ўзбек тили дўстлари клуби» фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вази фасини бажарувчи Холмурод Салимов, профессор Эртуғрул Яман, тилшунос Замира Ўзтўрк, адабиётшунос ва тарихчи Зайнобиддин Абдурашидов, Анқара шаҳридаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар иштирок этди.



Тадбирда сўз олган Ўзбекистон элчиси Алишер Аъзамхўжаев сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— 2020 йилнинг 20 октябрида давлатимиз раҳбари томонидан «Мамлакатимизда ўзбек тили янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинганди, — деди элчи. — 2020 — 2030 йилларда тил соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган муҳим чора-тадбирларни қамраб олувчи мазкур муҳим концептуал ҳужжат асосида ўтган йиллар давомида ўзбек тилини ривожлантириш, унинг халқаро микросоҳадаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини

ривожлантириш бўйича таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Туркия пойтахти Анқарадаги Башкент университети қошида ўзбек тили соҳасида изланишлар юритувчи Алишер Навоий номидаги илмий-тадқиқот маркази иш бошлади. Ҳожи Байрам Валий, Анқара, Ғозий ва Ҳажеттепа каби университетларда бевосита ўзбек тили йўналишлари ташкил этилган бўлиб, турк қардошларимизга тилимизнинг сир-асрорлари ўргатиб келинмоқда.

Тилшунос олима Замира Ўзтўрк «Ўзбекистоннинг тил соҳасидаги сиёсати», Қиршаҳар университети профессори Эртуғрул Яман «Ўзбек тили ва туркий тилларнинг келажаги» мавзусида маърузалар қилди.

— Ўзбек тили асрлар давомида минтақада умумий мулоқот воситаси бўлиб келган. Бу-

гун ҳам ўзбек тилини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қадимги туркий тилнинг лексикологиясини рўёбга чиқаришда ўзбек тилининг алоҳида ўрни бор деб ўйлайман, — деди Эртуғрул Яман. — Ўзбек тилида ишлатиладиган сўзларнинг аксарияти туркий тилларда учрайди. Аслида расмий турк тилидан ташқари Онадўлининг турли вилоятларида маҳаллий халқ томонидан ишлатиладиган лаҳжалардаги кўплаб сўзлар ҳам ўзбек тилида мавжуд.

Тадбир давомида «Ўзбек тили дўстлари клуби» фаоли Замира Ўзтўрк томонидан ўзбек тилидан турк тилига ўнгилган Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва «Олтин водийдан шабадалар» китобларининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

«Дунё» АА. Анқара

ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ КОБУЛДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Афғонистон пойтахтида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 34 йиллик байрами кенг нишонланди.

Ушбу сана муносабати билан Афғонистондаги фаол ўзбеклар, «Ўзгариш», «Ойдин» ва «Кенгаш» жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда давра суҳбати уюштирилди. Унда маҳаллий ўзбек зиёлилари, жамоатчилик фаоллари, Ўзбекистон элчихонаси ходимлари ҳамда Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази раҳбарияти иштирок этди.



Анжуманда сўзга чиққанлар Афғонистонда ўзбек тилининг мақоми янада мустақамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, мактаб ва олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича мавжуд муаммолар ҳусусида фикр алмашилди.

Бугунги кунинг ихтимойий-сиёсий ва иқтисодий шароитга қарамадан маҳаллий ўзбек тижоратчиларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан ўзбек тилида китоблар нашр этилаётгани ва кенг жамоатчиликка етказиб берилаётгани таъкидланди.

Давра суҳбатида маҳаллий шoirлар томонидан ўзбек тилида шеърлар ўқилди, ёш ўғил-қизлар ижросида кўшиқлар янгради.

Мамлакатимиз элчиси Ёдгорхўжа Шодмонов Ўзбекистон ҳукумати ва Кобулдаги элчихона томонидан Афғонистон

тонда ўзбек тилини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бора-борасида иштирокчиларга баътафсил маълумот берди.

Жумладан, охириги йилларда элчихона томонидан Кобул давлат университети ва Афғонистоннинг шимолидаги

Балх, Жаузжон, Фарёб, Сарипул ҳамда Кундуз университетларига дарсликлар ва ўқув дастурлари етказиб берилгани қайд этилди. Шимолий минтақалардаги ўзбек тили дарс сифатида ўқитиладиган мактаблар учун эса дарслик ва ўқув дастурларининг элек-

трон нусхалари тақдим этилган маълум қилинди.

2018 йилда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Термиз шаҳрида Афғонистон фуқаролари учун таълим маркази очилгани ва шу кунга қадар мазкур марказни 535 нафардан зиёд афғон ёшлари битказиб, бугунги кунда ўз мамлақати иқтисодига хисса қўшаётгани иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, 2021 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан эълон қилинган ўқув гранти асосида Термиз, Қарши, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги турли университетларда 50 нафар афғон ёшлари таълим олаётгани айтаётган бўлиб ўтилди. Улар ҳозирда ўзбек тили ва адабиёти, тиббиёт, муҳандислик иши, журналистика ва ҳадисшунослик йўналишларида таълим олмақда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида эса 21 нафар афғонистонлик ёшлар ўзбек тили ҳамда адабиёти йўналишида магистратура ва докторантурада ўқишмоқда. Самарқанддаги «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос университетида эса ҳар йили учтадан магистратура учун грант ажратилапти.

Кейинги уч йил давомида Европа Иттифоқи ва БМТ ёрдамида афғон хотин-қизлари учун 30 тадан ўрин ажратилиб, улар Тошкент давлат аграр университетда қишлоқ хўжалиги йўналишида 2 йиллик курсларда таълим олмақда. Улар ушбу курсларни тугатгач, Ўзбекистондаги олий ўқув юртиларидан кишини давом эттиришлари мумкин.

Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази директори Ойбек Рўзиев ўз навбатида, марказ фаолияти ҳақида баътафсил сўзлаб берди.

«Марказда тахсил олган Афғонистон фуқароларининг аксарияти ўз ўқималарини Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртиларида магистратура босқичларида давом эттирмоқда. Ҳозирда мазкур марказга янги талабаларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон ва Афғонистон Олий таълим вазирликлари ўртасида музокаралар давом этмоқда», деди у.

Кобулда ўтказилган Ўзбек тили байрами кунига бағишланган давра суҳбати доирасида ўзбек адабиёти ва миллий либослар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

«Дунё» АА. Кобул

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЖОНСАИД ТУРДИЕВ



Мамлакатимиз тоғ-кон санoати оғир жудодликка учради.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Қолмақир» қонида кўп йиллар фидокорона хизмат қилган моҳир эксковатор машинисти, меҳнат фаҳрийси, Ўзбекистон Қаҳрамони Жонсаид Турдиев шу йил 20 октябрда 69 ёшида вафот этди.

Ж.Турдиев 1954 йил 20 июни кунини Тошкент вилоятининг Бўка туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни ўтагач, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳридаги 80-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб иш бошлади.

1977 йилдан меҳнат фаолиятини «Олмалик кон-металлургия комбинати» тизимида давом эттириб, қарийб ўттиз йил мобайнида «Қолмақир» қонида самарали хизмат қилди, кўплаб шогирдлар тайёрлаб, мамлакатимизнинг тоғ-кон саноати ривожига катта хисса қўшди.

Ўз касбининг ҳақиқий жонқуари бўлган Ж.Турдиев билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат, жонажон Ватанимизга муҳаббат сингарии юксак инсоний фазилатлари билан нафақат жамоаси, балки кўп миллатли халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда жамоатчилик ишларида фаол иштирок

этиб, Олмалик шаҳар «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси, фаол тарғиботчи сифатида ҳудудда ислохотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустақамлашда жонбозлик кўрсатди.

Ж.Турдиевнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари юксак эътироф этилиб, у 1998 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони ҳамда «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз кон-металлургия соҳасининг таниқли вакили, самимий ва камтарин инсон Жонсаид Турдиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, З. МИРЗАЕВ, А. ХУРСАНОВ

Тадбир

ҲАР БИР СЎЗНИНГ ЎЗ МОҲИЯТИ БОР

Бухородаги «Заковат» клубининг «Ўзбек тили билимдонлари» мавзусида бўлиб ўтган навбатдаги бешлашувда шевадаги «чақ-чақ» сўзининг келиб чиқишига оид савол ўртага ташланди.

Маълумки, икки қайроқ тошини бир-бирига урилиши асосида «чақ-чақ» товуши чиқади. Ва шу ҳол бу сўзнинг туғилишига туртки вази фасини ўтаган. Ўз навбатида, «хушчақ-чақ» сўзи ҳам пайдо бўлган. Биласиз, бу сўз киришимли, гапга чечан кишиларга нисбат берилади. Бу каби мисоллар ўзбек тили бениҳоя бой, сержило эканини кўрсатади.

— Тилимизда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз моҳияти бор, — дейди гиждувонлик ижодкор Мухтор Абдуллаев. — Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов «Сизлар буюк Алишер Навоийнинг ворисларисиз, улуг миллатнинг фарзандларисиз, катта тилнинг эгаларисиз. Бу билан фарзандларингиз, халқингиз, тилингиз камолига хизмат қилишдан чарчамаслигингиз керак», дея бежиз лутф этмаган. Шу нуқтаи назардан, она тилимизни асраб-авайлаш, уни теран ўрганишга оид рағбат-баранг тадбирларнинг ташкил қилинаётгани эътиборга молик.

Ана шундай тадбирларнинг асосийси вилоят мусиқий драма театрида бўлиб ўтди. «Она тили — миллат гурури» шиори остида кечган маънавий-маърифий кечада вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, ижодкорлар, олимлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар 21 октябрнинг Ўзбек тили байрами кунини сифатида нишонланиши она тилимизни ривожлантириш, давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

Бир гуруҳ фаолларга байрам муносабати билан вилоят ҳокимлиги ташаккурнома-си ва эсдалик совғалари топширилди. Хунармандлар кўргазмаси, театр жамоаси томонидан намойиш этилган сахна кўрнини ҳамда концерт дастури барчага байрамона қайфият улашди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETIDA 2024-YILGA DOKTORANTURA VA TAYANCH DOKTORANTURA UCHUN TASDIQLANGAN QABUL KVOTASI

№	OTM nomi	Doktorantura (DSc)		Tayanch doktorantura (PhD)				
		Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni	Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni	Stajor-tadqiqotchi (PhD)		
1	TDAU	03.00.10 – Ekologiya		03.00.10 – Ekologiya	2			
2		03.00.15 – Ixtiologiya		03.00.15 – Ixtiologiya	2			
3		06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	1	06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	3			
4		06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	1	06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	4			
5		03.00.13 – Tuproqshunoslik		03.00.13 – Tuproqshunoslik	4			
6		06.01.04 – Agrokimyo		06.01.04 – Agrokimyo	3			
7		06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	1	06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	4			
8		06.01.06 – Sabzavotchilik		06.01.06 – Sabzavotchilik (maqsadli)	5(1)			
9		06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	1	06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	5	1		
10		06.01.08 – O'simlikshunoslik	1	06.01.08 – O'simlikshunoslik	5	1		
11		06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	1	06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	6			
12		06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash (maqsadli)	1(1)	06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash	5	2		
Jami:				Doktorantura (DSc)	10(1)	Tayanch doktorantura (PhD) (maqsadli PhD)	68(3)	5

Tanlovga topshiriladigan hujjatlar ro'yxati va imtihon dasturlari www.tdau.uz saytida e'lon qilinadi.

Talabgorlardan hujjatlar 2023-yilning 10-noyabrigacha qabul qilinadi. Tayanch doktoranturaga kirish imtihonlari va doktoranturaga kirish uchun subhat 2023-yilning 1-noyabr – 25-noyabr davrida o'tkaziladi.

(PhD) — Tayanch doktoranturada o'qish uchun talabgorlar: Chet tili bo'yicha belgilangan tartibdagi «B2» darajadagi til bilish sertifikatining asl nusxasini taqdim etadi.

Mutaxassislik bo'yicha belgilangan tartibdagi kirish imtihonlari topshiradi.

(DSc) — Doktoranturada o'qish uchun kirayotgan talabgorlar Kollegial organ tomonidan ixtisoslik bo'yicha suhbatdan o'tadi va belgilangan tartibdagi «B2» darajadagi til bilish sertifikatining asl nusxasini taqdim etadi.

Bundan tashqari, yuqorida nomlari keltirilgan ixtisosliklar bo'yicha mustaqil izlanuvchilik uchun ham talabgorlar suhbat asosida tayanch doktorantura

(PhD) va doktorantura (DSc)ga mustaqil tadqiqotchilikka qabul qilinadi va belgilangan tartibdagi «B2» darajadagi til bilish sertifikatining asl nusxasi taqdim etiladi.

Ro'yxatdan o'tish <http://phd.mininnovation.uz> yagona elektron tizimi orqali.

MUROJAT UCHUN:

Manzil: 100140, Toshkent shahri, Universitet ko'chasi 2-uy, TDAU, Bosh bino. Ilimiy bo'lim. 311-xona. Telefonlar: 71-260-44-95; 71-260-39-73. E-mail: nauka@tdau.uz

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ДУНЁСИ КИНОРЕНЕССАНСИ

Азим пойтахтимиз ўтган асрда ҳам дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик шаҳри, эзгулик ва маърифат маскани сифатида донг таратган, турли анжуманлар, йирик санъат ва спорт байрамларига мезбонлик қилган. “Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озолиги учун” шиори остида илк бор 1958 йилда иш бошлаган Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали 1997 йилга қадар ўтказиб келинди. Аммо чорак асрки, бу анъана тўхтаб қолган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июнда қабул қилинган “Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, бу анжуман “Ипак йўли дурдонаси”

Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланди ва уч йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

Шу йил сентябрь охири — октябрнинг бошида пойтахтимизда бўлиб ўтган ушбу анъанавий фестивалнинг тафти ҳали ҳам совигани йўқ. “Ипак йўли дурдонаси” XV Халқаро Тошкент кинофестивалида дунёнинг 52 давлатидан 300 га яқин киноижодкорлар, продюсер ва таҳлилчилар иштирок этди, турли танловлар, тадбир, тақдимот ва намойишлар, давра суҳбатлари ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Кинофестиваль кунларида муҳбиримиз томонидан уюштирилган ва иштирокчиларнинг ёрқин таассуротлари акс этган интервьюлардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кевин СПЕЙСИ, актёр, режиссёр, сценарийнавис, продюсер, икки карра “Оскар” совриндори, “Олтин глобус” соҳиби (АҚШ):

— Фестиваль замиридаги учта голя, учта устун — тинчлик, тараққиёт ва маърифатдан иборат деб ўйлайман. Кинофестивалда иштирок этиб, Тошкент ёшлар шаҳри эканлиги гаувоқ бўлдим. Ҳаттоки, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этар экан. Мен ўтказган маҳорат дарсларида ҳам, асосан, ёшлар иштирок этди. Қолаверса, давлат миқёсида ёшлар келажигига катта умид қилганини кўриш қизиқарли.



Ўйлашмича, юртингизда кино санъатига бўлган қизиқиш жуда юқори. Мамлакат раҳбарияти, Президентни уни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатни амалга оширмоқда. Агар ёшлар ўзлари учун яратиб берилаётган бу имкониятлардан юқори даражада фойдаланса, соҳада кўпгина ютуқларга эришиш мумкин. Марказий Осиенинг барча республикаси билан бирлашгани, биргаликда ҳаракат қилгани катта имкониятлар очиб беради ва бу таҳсинга лойиқ, деб ҳисоблайман.

Султон РАЕВ, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти Бош қотиби (Қирғизистон):

— Янги уюшма — Туркий халқлар киноижодкорлари уюшмасини ташкил этиш — туркий халқлар дунёси киносини ренессанси. Янги ижодий ташкилотда қоғозбозлик бўлмади, у туркий давлатлар киноижодкорлари ўртасидаги алоқаларни яхшилашга ва турли муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ҳисса қўшди.

Шу билан бирга, Тошкент кинофестивали туркий халқлар кинематографларини учраштириш ва мазкур ташкилотни ташкил этиш учун ажойиб имконият бўлди. Бугун янги Ўзбекистонда кино соҳасида фаол олга силжиш кузатишмоқда. Ва бу фестивал туркий халқлар кино санъатини биргаликда ва тизимли ривожлантириш платформасига айланиши мумкин.

Эмир КУСТУРИЦА, кинорежиссёр, актёр, Венеция кинофестивали “Олтин шер” мукофоти соҳиби, Канн кинофестивалининг икки карра совриндори (Сербия):

— Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкентнинг гўзаллиги мени ҳайратда қолдирди. Шаҳар жадвал ривожланаётгани, замонавий иншоотлар, боғлар, тарихий диққатга сазовор жойлар кўплиги ва бунда давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари катта эканлиги аён.

Самарқандда, буюк Амир Темурутваллуд топган шаҳарда бўлганидан хурсандман. Назаримда, бу улуг саркарда кўҳна Самарқандда ўтаётган ранг-баранг кинофестивалимизни асрлар қарбидан ҳайрат билан кузатаётгандек туюлди. Ушбу шаҳарга ярашган гўзал кинофестиваль, давлатингизнинг бой тарихи ва маданияти менда катта қизиқиш уйғотди.

Сами НАСЕРИ, актёр, Канн кинофестивали лауреати (Франция):

— Ўзбекистон бир пайтлар машҳур бўлган ушбу кинофестивални қайта тиклаш ташаббускор бўлганидан жуда хурсандман. Бу ерда кўплаб ёш киноижодкорлар, режиссёр, продюсер, сценарийнависларни учратдим, улар билан дўстлашдим. Бу анжуман Ўзбекистон киноижодкорларига бошқа мамлакатлар кино санъати билан танишиш, хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш имкониятини беради.

Кинога пул ажратиш — маданият ривожига ҳисса қўшиш, уни ривожлантириш, келажакни таъминлаш, дегани. Шу маънода, Ўзбекистонда кинога давлат томонидан кўмак кўрсатилаётганини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса арийдим. Демак, ўзбек киносининг истиқболи бундан ҳам порлоқ бўлади, деб ўйлайман.

Лариса ЛУППИАН, Россия халқ артисти, Ленсовет номидаги театр бадий раҳбари:

— Мен Тошкентда туғилиб ўсганман. 1960-йилларда, биринчи синфда ўқиб юрган пайтларим, мактабимизга “Сен етим эмассан” фильмининг суратга олиш гуруҳи келган. Фильмда иштирок этиш учун болаларни танлаб олишди ва улар сафида каминга ҳам бор эди. Фильмда драматик тақдирга эга латиш қизи — Дзидра ролини ўйнаганман ва бугун “Ўзбекфильм”да мени узоқ болалик йилларига қайтарган эски фотосуратни кўрганимдан хурсандман.

Тошкент кинофестивалининг очилишида қаҳрамоним “Онам, онам, онажоним” деб қичқираётган фильмдан бир парча намойиш қилинди. Бу фильмининг энг эмоционал лаҳазаси жуда таъсирли бўлди. Болалик чоғимга, мактабда бўлиб ўтган воқеаларга, Тошкент билан боғлиқ хотираларга қайтганимдан хурсандман. Халқингизнинг меҳмондўстлиги ва қалби дарбўлигини доимо эслайман. Ўзбекистон кинематографияси тарихида қолганимдан фахрланаман ва ушбу ажойиб кинофестиваль учун мамлакат ҳукуматига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман!

Елизавета БОЯРСКАЯ, Россияда хизмат кўрсатган артист, “Олтин бургут” Миллий кино мукофоти ва “Олтин софит” энг юқори театр мукофоти лауреати:

— Ўзбекистон буюк тарихга эга мамлакат. Шу маънода, у ўз тараққиёти йўлида олдинга интиляпти, буни барчамиз кўриб турибмиз. Афсуски, Ўзбекистонда фақат уч кун бўлди. Биринчи куннинг ўзида “Ўзбекфильм”га ташриф буюришга улгурдик. Қайта таъмирланган киностудия ҳақида маълумот беришди, у ҳозирда ажойиб ва замонавий кино майдонига ўхшайди. Шунингдек, Ўзбекистонда премьерга қилинадиган фильмлар тақдирини томоша қилиш имконига эга бўлди.

Қизиқарли, ранг-баранг фильмлар, муаллифлик фильмлари, оммабоп ва тарихий блокбастерларни кўрдик.

Умуман, мамлакатингизда ёш авлод таълим-тарбияси ва касб-хунар эгаллашига катта эътибор қаратилаётганини кўриш қувонарли.

Чабо КАЕЛЬ, режиссёр, Венгрия ҳукуматининг миллий кино санъатини ривожлантириш бўйича вакили, Миллий кино институти директори (Венгрия):

— Ўзбекистондаги ўтмиш билан уйғунлашган замонавий шаҳарларни, осмонўпар биноларни ўз кўзим билан кўриб, ҳайратга тушдим. Кинофестиваль музокаралар ва ҳамкорлик учун қулай майдон. Унда нафақат янги фильмлар йиғилиб, томошабинларга тақдим этилди, балки режиссёрлар, актёрлар билан ижодий ва мазмунли учрашувлар ташкил қилинди. Истеъдодли ёшларга ўзларини танитиш, нимадир ўрганиш имконияти берилди.

Афсуски, Европа кино бозорига Осие фильмларини топиш жуда қийин, бу минтақа аҳолиси эса Европа фильмлари ҳақида етарли даражада хабардор эмас. Тошкент кинофестивали ана шу бўшлиқни тўлдирди, деб ишонч билан айти оламан.

Айла ЧЕЛИК, хонанда (Туркия):

— Ўзбекистонда иккинчи марта бўлишим. Замонавийлик ва тарих уйғунлашган заманда турганлигимдан фахрланаман. Фестивалнинг қайта тикланиши Ўзбекистон маданиятидаги муҳим воқеалиқдир. Меҳри ва дилкаш ўзбек халқининг дунёга чиқиши учун ҳам бу ажиб имконият.

Бундай анжуманларда мутахассислар ўзаро тажриба алмашишди, халқлар бир-бирининг маданияти ва қадрияти билан яқиндан танишишди. Мен фестивал очилиш маросимини кузатиб бунга амин бўлдим. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан энг дадил голярини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш имкониятини яратиб бераётган фаол, иқтидорли ёшларни кўриш, айниқса, қувонарлидир.

Эркин ЙИЛМАЗ, Туркия кинос Бош дирекцияси бош директори:

— Ўзбекистон билан азалдан маданий алоқаларимиз давом этиб келмоқда. Туркий тилли мамлакатларнинг киноижодкорлари янги фильмлар сюжетига айланиши мумкин бўлган миллионлаб хижоялардан фойдаланишди. Бу улкан салоҳиятни ҳамкорлик орқали очиб мумкин. Тошкент кинофестивали бунга ҳисса қўшди, деб ўйлайман.

Таъкидлаш жоизки, Туркия Ҳиндистон каби Голливуд маданиятига тобе бўлмаган кам сонли давлатлар қаторига киради. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатдаги томошабинларнинг 60 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган фильмлар ва телесериалларни томоша қилади. Айни чоғда фақат фильмлар ҳақида гап

кетмоқда ва бунга ҳали катта салоҳиятга эга бўлган болалар аудиторияси ва қўшма мультфильмларни суратга олиш имкониятларини кўшаётганимиз йўқ.

Сўнги бир неча йил ичида Ўзбекистон кино санъатини ривожлантириш бўйича сезиларли юксалишга эришди — кўплаб қўшма лойиҳалар пайдо бўлди, кадрлар янгиланди, шу билан бирга, етук кино усталари ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг минтақада етакчи ўринни эгаллаши учун катта ишларни амалга оширмоқда.

Маҳмадсаид ШОҲИЁН, “Тожикифильм” киностудияси директори (Тожикистон):

— Фильмлар учун янги голяр фестивалларда пайдо бўлади. Бу ерда барчамиз янги ижодкорлар билан танишиш имконига эга бўламиз. Ўзбекистонда ёшлар учун қандай шартлар яратилгани ҳам жуда муҳим!

Таъкидлаш истардимки, тадбир юқори савияда ташкил этилган. Кинофестиваль янги Ўзбекистондаги ҳаёт маромини акс эттиради ва бундай тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатингиз янги тараққиёт йўлидан дадил бораётганидан далолат беради. Ижодкор инсонларга эса шундай муҳит керак. Ўзбекистон Президентини унинг пойдеворини кўйди, эндиликда эса таъбир жоиз бўлса, кўрғон босқичма-босқич қуришмоқда.

Энн Деми-ГЕРОУ, НЕТРАС ҳамраиси, Тошкент кинофестивали ҳакамлар ҳайъати раиси (Австралия):

— Кинофестиваль иштирокчилари қатори мен ҳам жуда олисда жойлашган, маданий мероси, қадриятлари дунёга машҳур бўлган Тошкент ва Самарқандга ташриф буюришни орзу қилганман. Юртингизда айнан кино байрамида бўлиш мени хурсанд қилди. Ҳакамлар ҳайъати азвоси сифатида кўплаб киноасарларнинг яратилганига гувоҳ бўлдим. Каминга учун эн бешта ўзбек фильмининг кўриш имкониятининг ўзи қувонарли ҳодиса!

Тадбирнинг юксак савияда ўтказилгани менда катта таассурот қолдирди. Кинофестивалнинг асосий қисми ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланди. Биз мазали ўзбек соатлари тортилган дастурхон атрофида соатлаб мулоқот қилдик. Ва Ўзбекистонга яна келишим учун сабаблар жуда кўп. Кинофестивалнинг бундан кейинги фаолиятига омад тилайман!

Паула КАРРУЭГА, актриса (Аргентина):

— Ўзбекистон голят бетақарр ва гўзал диёр! Кинофестиваль иштирокчисига айланганимдан, мамлакатингизнинг авваллари жуда кам билган ажойиб маданияти ва тарихи билан танишганимдан хурсандман. Кинофестиваллар айнан шу учун ҳам керак. Биз турли мамлакатларнинг кўплаб фильмларини томоша қилдик, маҳорат дарсларини ўтказдик, давра суҳбатлари ва тақдимотларда қатнашдик.

Киноанжуманнинг қадимий Самарқанд шаҳрида ўтган ёпилиш маросими, айниқса, ҳайратланарли бўлди. Мен бой дастурдан хурсандман ва дунёнинг ҳеч бир жойида кинофестивалда бундай шов-шувни кўрмагандим. Давлат

томонидан ёшларга, уларнинг ривожланиши учун кенг имконият яратишга қаратилаётган юксак эътиборни кўриш янада ёқимли.

Пьетро МАРЧЕЛЛО, Режиссёр, Берлин кинофестивали лауреати, (Италия):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Очигини айтсам, кўп йиллардан бундай кинофестиваль дунёнинг барча бурчакларидан ижодкорларни бир жойга жамлаш ва уларга илҳом беришда жуда муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, бу жараён тажриба алмашиш ва халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, ўзида гўзаллиқни ифода қилган Самарқанд шаҳрида бир мақсадда бирлашиш янада қувонарлидир. Очиги, мен ушбу кинофестивалда қатнашганимдан жуда мамнунман. Ва айниқса, ёшлар — ёш кинематографларнинг, томошабинларнинг чақна турган кўзларини кўриш жудаям ёқимли. Улар — бизнинг келажакимиз.

Фредерик ДИФЕНТАЛЬ, актриса, “Сезар” мукофоти номзоди (Франция):

— Аввало, мени юртингизда илқ кутиб олишганидан жуда мамнун бўлдим. Француз фильмлари Ўзбекистонда севиб томоша қилинишини эшитганим, аммо бизларни бунчалик хурмат қилишларини эса умуман кутмагандим. Бундан унчун сизларга ташаккур дейман.

Биласизми, мен ҳозир ёш ўзбек киноижодкорларининг кўзларидан ижобий маънодаги “портлаш”ни кўряпман. Сизлар ҳали юқори марраларни забт эта олишингизга ишонаман.

Кшиштоф ЗАНУССИ, режиссёр, Венеция кинофестивалининг “Олтин шер” мукофоти совриндори, Канн кинофестивалининг голяби (Польша):

— Бу кинофестивалда иккинчи марта таба иштирок этапман. Айтишим керакки, бу анжуман аввалгисига қараганда анча ўсган. Мен фестивалнинг ривожланишига қувонарли бўлгани билан қарайман, чунки бу ҳодиса ушбу минтақага керак. Бу — дунёнинг бошқа қисмига етиб бора олмайдиган барча мамлакатни боғлаш учун зарур.

Хуллас, бу ишда барчангизда муваффақият тилайман, чунки ёшларни жалб қила оляптики, улар бугун катта матонат билан ижод қилипти, ўсяпти. Фестивалнинг асосий мазмунини ҳам шунда.

Рости, дунёда фестиваллар кўп. Аммо уларда томошабин етарли эмас ёки уларнинг аксарияти фақат кекса ёшдагилардан иборат. Сизда эса бундай ҳолат йўқ, томошабинларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бу мен учун жуда қадрли.

Рустам ЖАББОРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган кўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши